

«КЕЛИШИЛДИ»

Косон туман тиббиёт
бирлашмаси
танлов комиссиясининг

01. Апрель 2022 йилдаги
2 -сонли йиғилиш
баёнига асосан

«ТАСДИКЛАЙМАН»

Косон туман тиббиёт
бирлашмаси
данынан в/б
Ф. Р. Турсунов

01. Апрель 2022 й.

Косон туман тиббиёт бирлашмасига қарашли Түгриқ комплексига пархез
таом тайёрлаш Аутсорсинг хизматини бажарадиган ташкилотни танлаш
бүйича

ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИ

Буюртмачи: Косон туман тиббиёт бирлашмаси

Косон – 2022 й.

ТАРКИБИ

- I.** Тайлөв иштирокчиси учун
йўриқнома.
- II.** Тайлөвнинг техник қисми.
- III.** Тайлөвнинг нарх қисми.
- IV.** Шартнома лойиҳаси.

I. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

- 1 Умумий ҳолатлар.
- 1.1 Мазкур танлов ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонуни (кейинги ўринларда – Қонун), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 февралда «Лойиҳа олди, лойиҳа, тендер ҳужжатлари ва контрактларни экспертизадан ўтказиш тартибини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3550-соили Қарори (кейинги ўринларда – Қарор) талабларига мувофик ишлаб чиқилган.
- 1.2 Танлов предмети:
- Косон туман тиббиёт бирлашмасига Тўғрик комплексига пархез таом тайёрлаш Аутсорсинг хизматини бажариш учун
- 1.3 Косон туман тиббиёт бирлашмаси тўғрик комплекси хўжалик мудиринг талабномаси танловни ўтказини учун асос ҳисобланади.
- 1.4 Танловни ўтказишида унинг чегара қиймати шартноманинг умумий қиймати 01 апрел ойидан 31 октябргача бўлган давр учун 279 200 000.00 (Икки юз етминн тўқиз миллион икки юз минг) сўмдан ошмаслиги зарур.
(танловда тақлиф қилинган нархлар ундан юқорини ташкил қиласлиги зарур)
- 1.5 Харид қининадиган хизматлар техник топшириги мазкур танлов ҳужжатларининг иловасида келтирилган.
- 1.6 Танлов комиссияси йигилишининг шакли – юзма-юз.
- 2 Танлов ташкилотчилари
- 2.1 Косон туман тиббиёт бирлашмаси танлов буюртмачиси (кейинги ўринларда – буюртмачи) ҳисобланади.
- «Буюртмачи» манзили:
- Ўзбекистон Республикаси, Қашқадарё вилояти, Косон тумани, Норти чукӯр МФЙ, 180800.

«Буюртмачи» реквизитлари:

МФО 00014,

ИНН 201615066

х/р 100022860102297073310054005

«Марказий банк Тош ш» ХККМ

2.2

Танлов ташкилотчиси контакти:

Шартнома мажбуриятларини бажариш ва газначилик бўлими, бўлим бошлиги

Тел.: Моб: (75) 592 18 19

e-mail: косон.tssb@minzdrav.uz

Техник саволлар бўйича масъул контакти:

У. Шерқулов

Тел.: (91) 469 62 04

2.3

Танлов комиссияси ишчи органи:

Косон туман тиббиёт бирлашмаси иш ва хизматлар танловини амалга оширувчи танлов комиссиясининг танловларни ўтказишдаги ишчи органи масъул котиби («кейинги ўриниларда – танлов комиссияси»).

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, Қашқадарё вилояти, Косон тумани, Норти чукўр МФЙ 180800

2.4

Шартнома тузувчи: Косон туман тиббиёт бирлашмаси

2.5

Танлов буюртмачи томонидан ташкил қилинган танлов комиссияси томонидан ўтказилади.

3 Танлов иштирокчиси

3.1

Танловда мазкур танлов хужжатларининг 4.2-бандида кўрсатилган юридик шахслардан бошқа, мулкчилик шаклидан қатъий назар барча турдаги юридик шахслар, шу жумладан, кичик бизнес субъектлари иштирок этиши мумкин

4	Танловни ўтказиши тартиби	4.1	Танлов иштирокчиси танловда қатнашиши учун:
			<ul style="list-style-type: none"> - танлов шартлари билан тўлиқ танини учун маҳсус ахборот порталида жойлаштирилган танлов хужжатларининг электрон шаклини олиши (юклаб олиши); - танлов хужжатларида кўрсатилган талабларни эътиборга олган ҳолда унда иштирок этиши тўғрисида расмий танлов таклифи бериши зарур.
		4.2	Танловга қуйидаги иштирокчиларнинг иштирок этишига йўл қўйилмайди:
			<ul style="list-style-type: none"> - шартномани бажариш учун зарур техникавий, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжуд эмаслиги; - шартнома тузиш учун конуний хукукка эга эмаслик, шу жумладан, мазкур хизматларни амалга ошириш учун талаб килинадиган лицензия/гувоҳноманинг мавжуд эмаслиги; - соликлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича карздорликнинг мавжудлиги; - ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжудлиги; - буюртмачи билан охирги уч йил ичида тузган шартномавий муносабатларни етарли даражада бажармаган бўлса; - буюргачи билан суд тартибида ва судгача бўлган масалалар кўрилаётган бўлса; - Инсофиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилганлиги. <p>Буюртмачи қўйидаги холларда интирокчини харид килиш таомилида иштирок этишдан четлаштиради:</p> <ul style="list-style-type: none"> - иштирокчи тўғридан-тўғри ёки воситали тарзда буюртмачининг ёки бошқа давлат органининг хозирги мансабдор шахсига ёки собиқ ходимига давлат харидлари жараёнида бирон-бир харакатни амалга ошириш, қарор қабул килиш ёки бирон-бир танлов таомилини қўллашга таъсир кўрсатиш мақсадида хар қандай шаклдаги

мукофот, ишга олишни ёки ҳар қандай қимматбаҳо буюм ёки хизмат кўрсатишни таклиф килган, берган ёки бунга рози бўлган тақдирда;

- иштирокчи адолатсиз танлов устунилигига эга бўлса ёки қонунга зид бўлган манфаатлар тўқиашуви мавжуд бўлса.

5 Танлов тили, ўлчов бирликлари.

5.1

Танлов таклифи ҳамда иштирокчи ва буюртмачи томонидан амалга ошириладиган у билан боғлиқ бўлган барча ёзишмалар, хужжатлар ўзбек ёки рус тилида бўлини керак.

Техник таклифлар рус тилида берилишига йўл қўйилади.

5.2

Танлов таклифида метрик ўлчов тизимидан фойдаланилиш шарт.

6 Танлов таклифлари ва уларни расмийлаштириш шартлари

6.1

Танлов иштирокчиларининг таклифлари эълонда белгиланган тартиб асосида танлов ўтказиш тўгрисидаги эълонда кўрсатилган манзилга муҳрланган конвертларда (конвертнинг елимланган жойига иштирокчининг муҳри босилади) тақдим этилади, унда техникавий, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошика ресурсларнинг мавжудлигига оид маълумотлар техник ва тижорат таклифлари билан бирга бўлиши керак.

6.2

Танлов иштирокчиларининг таклифлари ип билан тикилган, ракамланган, муҳр қўйилган ва иштирокчининг ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган ёки тақлифларнинг ҳар бир вараги имзоланган ҳолда тақдим этиш тавсия этилади.

6.3

Иштирокчининг танлов таклифи танлов комиссияси томонидан ишчи органга почта орқали ёки иштирокчи ваколатли шахси орқали етказилади. Танлов таклифи берилиши санаси ва вакти ишчи орган томонидан танлов тақлифларини рўйхатга олиш журналида қайд килинади ва иштирокчи ваколатли шахси имзоси билан тасдиқланади (агарда у мавжуд бўлса)

6.4

Танлов иштирокчиси:

- тақдим қилинаётган маълумотлар ва ҳужжатларнинг ҳакиқийлиги ва ишончлилиги учун масъул хисобланади;
- факат битта таклиф бериш ҳуқуқига эга;
- тақдим қилинган таклифни бундай таклифларни бериш муддати тугагунча қайтариб олиш ёки унга ўзгартириш киритишга ҳақли.

6.5

Танлов таклифи икки қисмдан иборат бўлади:

- 1) техник қисми Буюртмачининг техник топшириғида кўрсатилган талабларга мос келиши ва таклиф қилинаётган хизмат тўгрисида батафсил ёритилган бўлиши зарур;
- 2) нарх қисми танлов шартларига мувофик бўлиши ва товар (хизмат, иш) номланиши, товарнинг (хизматнинг, ишнинг) бир бирлиги нархи, умумий қиймати, етказиб берини шартлари ва муддатлари, тўлов шакли, таклифни амал қилиш муддати ва ҳ.к. каби маълумотлар кўрсатилган бўлиши керак.

6.6

Иштирокчи таклифларни раҳбар имзоси ва ташкилот муҳри билан тасдиқланган ҳолда тақдим қилиниши зарур. Нархга оид таклиф ҳам бошланғич шаклда берилади.

Танлов таклифи елемланган конвертда конвертнинг елемланган жойида иштирокчининг муҳри қўйилган ҳолда тақдим қилинади.

6.7

Конвертда қўйидагилар кўрсатилиши зарур (**8 шаклга мувофик**):

- танлов предмети номи;
- иштирокчининг номи;
- буюртмачининг номи ва унинг манзили;
- «таклифларни бериш муддати тугагунга қадар очилмасин (конвертларни очиш санаси ва вақти кўрсатилади)» ёзуви.

6.8

Техник таклифлар қўйидаги ҳужжатларни ўз ичига олиши зарур:

- мазкур йўриқнома иловасидаги **6 шаклга** мувофик таклиф қилинаётган махсулот (товар/ишлар) техник характеристикалари техник топшириқка тақкосланган ҳолдаги жадвал кўринишида техник таклифлар;
- мазкур турдаги хизматни амалга ошириш учун рухсат берилганлиги тўгрисида тасдиқловчи ҳужжатлар;

		<ul style="list-style-type: none"> - бошқа техник хужжатлар (брошюра, техник паспортлар, йўриқнома ва бошқа хужжатлар).
6.9		<p>Нарх қисми бўйича хужжатларнинг мавжуд бўлиши зарурлигига талаблар:</p> <ul style="list-style-type: none"> - мазкур йўриқнома иловасидаги 7 шаклга асосан тўлдирилган таклиф қилинаётган нарх тўғрисидаги маълумотлар.
6.10		<p>Инчи орган (шартнома мажбуриятларини бажарилиши ва газначилик бўлими) танлов таклифлари солинган конвертларнинг бутилиги ва ишончли сақланишига жавобгар ҳисобланади.</p>
6.11		<p>Танловга таклифларни қабул қилиш маҳсус ахборот порталида чоп этилган эълонда кўрсатилган муддат келиши билан тутатилиади.</p> <p>Танлов таклифлари Ўзбекистон Республикаси, Қашқадарё вилояти, Коғи тумани, Кўйи Оброн қишлоғи, 180800.почта индекси манзили бўйича қабул қилинади.</p> <p><i>Белгитанган муддатдан кейин тақдим қилинган ҳуёксжатлар кўриб чиқшимайди ва қайтариб юборилади.</i></p>
6.12		<p>Таклифнинг амал қилиш муддати танлов таклифлари қабул қилиш тугайдиган кундан кейинги кейин камидаги 10 кунга амал қилиши зарур.</p>
7	7.1	<p>Иштирокчининг асослантирилган илтимосига асосан танлов комиссияси танлов таклифлари қабул қилиш санасини кўчириши (узайтириши) мумкин. Бунда кўчириладиган (узайтириладиган) муддат танловнинг барча иштирокчилари учун тадбиқ этилади.</p>
	7.2	<p>Танлов таклифларини қабул қилиш муддати ўзгарганилиги (узайтирилганилиги) тўғрисидаги огоҳлантириш танловда иштирок этажиган барча иштирокчиларга почта, электрон почта ёки факс орқали юборилиши зарур.</p> <p>Танлов таклифларини тақдим қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги эълон маҳсус ахборот порталида жойлаштирилади.</p>
8	8.1	<p>Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати</p>

		тугайдиган санадан камидан уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳакли.
		Танлов хужжатларига ўзгартишлар киритиш давомида товарни (ишни, хизматни) ёки унинг хусусиятларини ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камидан ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вактда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказини тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.
9	Танлов иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиши ва баҳолаш	<p>9.1 Эълонда танловни ўтказиш вақти сифатида кўрсатилган вақтда харид комиссияси танлов иштирокчилари томонидан берилган таклифлар солинган конвертларни таклифларни баҳолаш учун очади. Танлов иштирокчисининг ваколатли вакили конвертларни очиш тартиб-таомили чоғида ҳозир бўлишга ҳакли.</p> <p>9.2 Танлов иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиши ва баҳолаш муддати таклифлар бериш тугаган пайтдан эътиборан ўн кундан кўп бўлиши мумкин эмас.</p> <p>9.3 Танлов иштирокчилари томонидан берилган таклифлар танлов хужжатларининг талабларига мувофиқ бўлса, у тегинили тарзда расмийлаштирилган деб топилади.</p> <p>Агар таклифни киритган танлов иштирокчисининг таклифи, уни расмийлаштирилиши мазкур танлов хужжатлари талабларига мос келмаса, танлов комиссияси ушбу танлов иштирокчиси таклифини рад этади ва кўриб чиқилмайди.</p> <p>9.4 Танлов фолибини танлов хужжатларида кўрсатилган мезонлар асосида аниқлаш учун харид комиссияси рад этилмаган таклифларни баҳолашни амалга оширади.</p> <p>Танлов хужжатларини баҳолаш мақсадида танлов комиссияси комиссия аъзолари ва/ёки экспертлардан (заруриятга кўра мустакил экспертлардан) иборат бўлган баҳоловчи гурӯх тузишга ҳакли.</p>

- 9.5 Танлов иштирокчиси томонидан тақдим этилган хужжатлардаги ахборот ишончсиз эканлиги аниқланган тақдирда, харид комиссияси бундай иштирокчини харид қилиш тартиб-таомилининг исталган босқичида танловда иштирок этишдан четлатишга ҳақли.
- 9.6 Танлов хужжатларида ва таклифда кўрсатилган мезонлар асосида шартномани бажаришнинг энг яхши шартларини таклиф қилган танлов иштирокчиси ғолиб деб топилади (**2 илова**).
- Танловда иштирок этишдан четлаштирилмаган танлов иштирокчиларининг таклифлари нарх қисми бўйича ҳам батафсил кўриб чиқилганидан ва баҳоланганидан кейин танлов таклифларининг барчаси умумий ҳолда баҳоланади.
- 9.7 Агар таклиф Конун, Карор ва танлов хужжатларининг талабларига мувофиқ бўлса, у тегишли тарзда расмийлаштирилган деб топилади.
- 9.8 Таклифни киритган танлов иштирокчиси Конунда, Қарорда ва ушбу танлов хужжатларида белгиланган талабларга мос келмаса харид комиссияси бундай таклифни рад этади.
- 9.9 Баҳолаш пайтида танлов комиссияси танлов иштирокчиларидан таклифлари бўйича тушунтиришлар сўрашга ҳақли. Мазкур жараён расмий равишда ёзма шаклда танлов ташкилотчиси (шартнома мажбуриятларини бажариш ва ғазначилик бўлими) орқали белгиланган тартибда олиб борилади. Тушунтириш жараёнида таклифнинг моҳияти, шунингдек нархи юзасидан бирор-бир ўзгартиришларга йўл кўйилмайди.
- 9.10 Танлов хужжатларида ва таклифда кўрсатилган мезонлар асосида шартномани бажаришнинг энг яхши шартларини таклиф қилган танлов иштирокчиси ғолиб деб топилади.
- 9.11 Танлов таклифларида арифметик ёки исталган бошқа хатолар мавжудлиги аниқланганда, бундай таклифлар танлов комиссияси

		томунидан кўриб чиқиш рад этилиши мумкин. Бу хақида танлов иштирокчисига маълум қилинади.
9.12		Барча учун танлов таклифларининг бир хиллигини таъминлаш ва уларнинг нархини баҳолашда мувозанатни саклаш учун танлов иштирокчиларига нисбатан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигидан келиб чиқиб кўлланиладиган имтиёзлар ва преференциялар инобатга олинади.
9.13		Таклифларни кўриб чиқиши ҳамда баҳолаш натижалари таклифларни кўриб чиқиши ва баҳолаш баённомасида қайд этилади.
9.14		Таклифларни кўриб чиқиши ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичидаги маҳсус ахборот порталида эълон қилинади.
9.15		Танловнинг исталган иштирокчи тақлифларни кўриб чиқиши ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижалари доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳакли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичидаги танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.
10 Томонларниң жавобгарлиги ва маҳфийликнинг амал қилиши	10.1	<p>Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан қўйидагиларга жавобгарлик юклатилган:</p> <ul style="list-style-type: none"> - ишчи орган (шартнома мажбуриятларини бажариш ва разнавиий бўлими) аъзолари ҳисобланган шахсларга – келиб тушган танлов таклифларининг бутлиги, маҳфийлиги ва бошқа шахсларга ошкор қилинмаслиги бўйича; - танлов комиссияси раиси ва аъзолари, жалб қилинган мутахассис ва экспертларга – маълумотларнинг ошкор қилинмаслиги, танлов иштирокчилари, жалб қилинган мутахассис ва экспертлар билан қайситир иштирокчига устунлик

бериш ёки қайсидир иштирокчини камситиш/четгалиш мақсадида тил бириктирмаслик ва бошқа ноконуний хатти-харакатларни амалга оширмаслик бўйича;

- танлов голибига – Узбекистон Республикаси қонунчилиги ва/ёки тузилган шартнома шартларига кўра ўзига юклатилган шартнома мажбуриятларини (микдор, сифат, амалга ошириш/етказиб бериш муддати, бошқа техник талаблар) бажармаган ёки етарли даражада бажармаганлиги бўйича.

11. Бошқа шартлар

- 11.1 Буюртмаси танлов иштирокчисидан таклиф қилинган товар (хизмат/иш) бўйича шундай товар (хизмат/иш) иштирокчи томонидан илгари етказиб берилган (кўрсатилган) учинчи шахсдан фикр-мулоҳаза сўраши мумкин.
- 11.2 Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатларидағи талабларни, танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда (**9 шакл**) тушунтириш талаби билан буюртмачига сўров юборишга ҳақли.
- 11.3 Буюртмачи сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичиди, агар мазкур сўров буюртмачига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга жавоб юбориши шарт.
- 11.4 Танлов комиссияси томонидан қўйидаги ҳолларда танлов ўтказилмаган деб топилиши мумкин:
- танловда битта иштирокчи иштирок этган ёки биронта иштирокчи иштирок этмаган тақдирда;
 - тақдим қилинган барча танлов таклифларида зарурий хужжатлар етарлича тақдим қилинмаган бўлса ёки танлов таклифларини баҳолаш чоғида улар томонидан тақдим қилинган таклифларнинг барчаси комиссия хуносасига кўра четлаштирилган бўлса.
- 11.5 Буюртмачи голиб бўлган таклиф акцептига кадар исталган вақтда танловни бекор қилиш ҳукукига эга. Танлов бекор қилинган тақдирда буюртмачи порталда мазкур қарорнинг

асослантирилган сабабларини эълон қилади.

12 Шартномани расмийлаштириши

12.1

Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида ғолиб аниқланган вактдан эътиборан ўн кундан кечиктирилмаган муддатда тузилади.

12.2

Танлов натижаларига кўра танлов ғолиби деб топилган иштирокчига буюртмачи томонидан унинг танловда ғолиб бўлгандилиги ва белгиланган шартлар бўйича шартнома тузиши тўғрисида расмий хат юборилади.

12.4

Танлов ғолиби танлов шартлари асосида шартнома тузишдан бош тортган ҳолларда шартнома тузиш хуқуки захира ижрочисига ўтади. Бунда захира ижроиси танлов ғолиби таклиф қилган нарҳда шартнома тузиши мумкин ёки шартнома тузишдан бош тортини мумкин.

Косон туман Тиббиёт бирлашмаси

*бошлиғининг даволаш ишлари бўйича
биринчи ўринбосари в/б*

*Косон туман тиббиёт бирлашмаси
бош бухгалтери*

*Косон туман тиббиёт
бирлашмаси бош иқтисодчиси
Туман тиббиёт бирлашмаси
касаба уюшма раиси
Туман тиббиёт бирлашмасига
қарашли Туғриқ комплекси
бош врачи
Туман тиббиёт бирлашмасига
қарашли Туғриқ комплекси
Хўжалик мудири*

Ж.Х.Хамроқулов

У.А. Шерқулов



Р.Д. Абдуллаев

Ш.Н. Эргашов

Н.Х.Бегимова

У.Р.Очилов